

Ихлоснинг фазли (22-тавсия)



17:04 / 08.01.2017 6306

Ихлоснинг фазли (22-тавсия)

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Яманга юбораётганларида: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга тавсия беринг», дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Динингда холис бўл, шунда озгина амал ҳам сенга кифоя қилади»**, дедилар».

Ҳоким ривоят қилган.

Изоҳ: Инсон иймонини нафсининг васвасасидан, тоатини риёга олиб боровчи нарсалардан покласа, ихлос билан қилган озгина амали ҳам унга кифоя қилади.

Савбондан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: **«Мухлис бандаларга шодлик бўлсин! Улар ҳидоят шамчиروқларидир. Ҳар қандай зулматли фитна улардан зоил**

бўлади».

Байҳақий ривоят қилган.

Изоҳ: Амалларини ширкдан, риёдан поклаган, ички дунёсини ислоҳ қилган мухлис бандаларга охиратда кўзни қувонтирадиган шодлик ваъда бўлди. Улар одамларни ҳидоятга чорловчи ҳидоят маёқларидир. Аллоҳга бўлган ихлослари туфайли бу зотлар динларида ҳеч қандай фитнага учрамайдилар.

Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ азза ва жалла фақат холис амални, Ўзининг важҳи исталган амалнигина қабул қилади», дедилар».**

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

Ҳадислардан олинадиган фойдалар:

1. Динда холис бўлган банданинг ихлос билан қилган озгина амали ҳам унга кифоя қилади.
2. Амалларини ширкдан, риёдан поклаган, ички дунёсини ислоҳ қилган мухлис бандаларга охиратда кўз қувончи бўладиган шодлик насиб бўлади.
3. Мухлис бандалар – одамларни тўғри йўлга чорловчи ҳидоят маёқларидир. Аллоҳга бўлган ихлослари туфайли улар дин борасида ҳеч қандай фитнага учрамайдилар.
4. Аллоҳ таоло Ўзи учун ихлос билан қилинган амалларнигина қабул қилади.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.